У «Хинзаб», деб номланадиган шайтон. Агар сен уни ҳис қилсанг, Аллоҳ номи ила ундан паноҳ тила ва чап томонингга уч марта туфлаб қўй

Усмон ибн Абул Ос разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Ё Расулуллоҳ, шайтон мен билан намозим ва қироатим орасида ҳалақит қилиб, чалкаштириб юбораябти», дедим. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «У «Хинзаб», деб номланадиган шайтон. Агар сен уни ҳис қилсанг, Аллоҳ номи ила ундан паноҳ тила ва чап томонингга уч марта туфлаб қўй», дедилар. Мен У зотнинг айтганларини қилган эдим, Аллоҳ таоло мендан уни кетказди».

[Саҳиҳ] [Имом Муслим ривояти]

Усмон ибн Абу Ос разияллоҳу анҳу Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламга келиб: «Ё Расулуллоҳ, шайтон мен ва намозим ўртасини бўлиб унда хушуъ қилишдан тўсаябди ва қироатимга қоришиб мени шубҳалантирмоқда», – деди. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам унга: «У Хинзаб деб номланадиган шайтон. Агар унга дуч келсанг ва уни сезсанг Аллоҳга қаттиқ боғлан ва У Зотдан паноҳ тила! Уч марта озгина сулак билан чап томонингга тупур» - дедилар . Усмон разияллоҳу анҳу: «Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам буюрганларини қилдим ва Аллоҳ мендан уни кетказди», – деди.

http://www.sunnah.global/hadeeth/uz/show/65105